

А Ж Р И М

2023 йил 17 март куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди суд биносида, очиқ суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Каримовнинг котиблигида, Олмазор туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдузохиров, қонуний вакил Г.Исмоилова, Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи ходими иштирокида,

Исмаилова Маржона Фарход қизи (Ismailova Marjona Farxod qizi), 2007 йил 8 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, мактаб ўқувчиси, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, О.Бобожонов кўчаси, 9-уй 9-хонадонда яшовчига нисбатан

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг М.Исмаиловага нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан бошқа жазо турига алмаштиришни сўраб берган тақдимномасини иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 3 июнь кунги ҳукмига кўра, Исмаилова Маржона Фарход қизи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилган ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 84¹-моддасига асосан 1 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2022 йил 3 октябрь кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмига асосан озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган 1 йил 4 ой 5 куни шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2023 йил 14 февраль кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 90-моддаси 3-қисми тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 11 ой 24 куни шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган.

Тақдимномага кўра, М.Исмаилова Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳига 2023 йил 2 март куни ҳисобга қўйилиб, унга жазо ўташ қоидалари тушунтирилган.

М.Исмаилова 2023 йил 14 март куни уйига келмаган, 2023 йил 16 март куни соат 22:30да Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи томонидан М.Исмаиловани яшаш манзили текширилганида уни уйида йўқлиги аниқланган ва бу ҳақида далолатнома



расмийлаштирилган. М.Исмаилова 2023 йил 17 март куни уйига кийимларини олиш учун кириб келган.

Озодликни чеклаш жазосини 12 кунини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 11 ой 12 кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида М.Исмаилова қонуний вакил Г.Исмоилова иштирокда, у қилган ишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолат қайтарилмаслигини, унга яна бир имкон берилишини сўрашлигини, шу сабабли Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномасини рад қилишни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО Пробация гуруҳи ходими тақдимномани қувватлаб, М.Исмаилова жазони ўташдан бўйин товлаб юрганлиги сабабли, келтирилган тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан Исмаилова Маржона Фарход қизига нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўталмай қолган қисмини, шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-542 моддасига кўра, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор туман ИИО ФМБ бошлиғи томонидан келтирилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Исмаилова Маржона Фарход қизи (Ismailova Marjona Farhod qizi)га нисбатан жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2023 йил 14 февралдаги ажримига кўра тайинланиб, ҳозирда ўталмаган 11 ой 12 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Тайинланган жазо тарбия колонияларда ўташ белгилансин.

Исмаилова Маржона Фарход қизига нисбатан эҳтиёт чораси қамоқда сақлаш қўлланилиб, у дарҳол қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭДга қарашли 1-сон тергов хибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 17 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримдан норози томонлар 20 (йигирма) кун ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

